

## А Ж Р И М

(Ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2023 йил ноябрь ойининг 3 куни, жиноят ишлари бўйича Поп туман судининг сайёр суд мажлиси, Поп тумани, “Пахтакор” МФЙ биносида, очик суд мажлисида, туман судининг раиси Ж.Курбановнинг раислигида, судья ёрдамчиси Х.Бектемировнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Поп туман прокурорининг ёрдамчиси Н.Абдулхамидов, жабрланувчи М.Турсунбоев, жабрланувчи Б.Хамиджонова, жабрланувчи Э.Абдураймов, судланувчи М.Бойбабобоевнинг иштирокида, Бойбабобоев Мухридин Раҳимжоновичга оид 1-1606-2301/326-сонли жиноят иши кўриб чиқилди. Судланувчи Бойбабобоев Мухридин Раҳимжонович, 1992 йил 15 майда Поп туманида туғилган, миллати тожик (ўзбек тилини яхши билади, таржимон хизматида мухтож эмас), Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 2 нафар фарзанди бор, судланмаган, мавсумий ишчи, Поп тумани, “Кўшминор” МФЙ, А.Навоий кўчаси, 30-уйда яшайди, жиноят иши бўйича муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2023 йил 9 октябрда олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбланган.

Суд, суд мажлисида судланувчи ва жабрланувчиларни судга тақдим этган ўзаро ярашув ҳақидаги аризаларини кўриб чиқиб, уларнинг кўрсатувларини ҳамда тарафларнинг фикрини тинглаб, жиноят иши хужжатларини ўрганиб чиқиб, ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

## А Н И Қ Л А Д И



Судланувчи М.Бойбабобоев 2023 йил 11 август куни соат 18 ларда бошқарувидаги “Captiva” русумли, 40S109ZA давлат рақам белгили автомашинасини “Фурумсарой-Хонобод-Чодак-Гулистон” автомобиль йўлининг 19-км.да “Чодак” кишлоғи йўналишида бошқариб кетаётиб, амалдаги “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 53-бандида, “Ҳайдовчи ҳаракатланишни бошлаш, йўналишни ўзгартириш (қайта тизилиш, бурилиш, кайрилиб олиш, қувиб ўтиш ва айланиб ўтиш) ва тўхташдан олдин бажарилаётган манёвр хавфсиз эканлигига ва бошқа ҳаракат қатнашчиларига халақит бермаслигига ишонч ҳосил қилиши керак” деб, 73-бандида, “Ҳайдовчи ўздан олдинда ҳаракатланаётган транспорт воситаси кескин тормоз берганида тўқнашиб кетмаслик кафолатини берадиган даражадаги оралиқ масофани, шунингдек йўл ҳаракатини хавфсизлигини таъминлайдиган ёнлама оралиқ масофани сақлаши керак” деб, 77-бандида, “Ҳайдовчи ҳаракатнинг серкатновлиги, ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олган ҳолда транспорт воситасини белгиланган чекланган тезликдан оширмасдан бошқариши керак. Ҳаракатланиш вақтида ҳайдовчи аниқлай олиши имкониятида хавф юзага келса, у транспорт воситасининг тезлигини тўла тўхтатишини таъминлайдиган даражада камайтириш ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриши керак” деб кўрсатилган қоида талабларини қўпол равишда бузиб, ҳаракат хавфсизлигини таъминлай олмай, бошқарувни йўқотиб, ўзи билан бир йўналишда олдинда ҳаракатланиб кетаётган М.Турсунбоев бошқарувидаги “Дамас” русумли, 50L955DA давлат рақам белгили автомашинасининг орқа қисмига урилиб, автомашина салонида бўлган Б.Ҳамиджонова, Э.Абдураймов ва ҳайдовчи М.Турсунбоевни тан жароҳати олишига сабабчи бўлган.

РСТЭИАМНФ Поп туман бўлинмасининг 2023 йил 19 августдаги 1650/1611-сонли суд-тиббий экспертиза хулосасида, Б.Ҳамиджонованинг тан жароҳатлари - кўкрак қафаси ёпиқ шикасти, кўкрак қафаси олд юзаси юмшоқ тўқималарини лат ейиши, бел умуртқа поғонаси ёпиқ шикасти, умуртқа поғонаси бел қисми VL 1-2-3-4 сегментлар чап томонлама кўндаланг ўсиғи ва VL 3 ни ўткир ўсиғини ёпиқ синиши, ўнг тирсак бўғими, чап қўл, чап болдир соҳасида қонталаш кўринишида бўлиб, ушбу тан жароҳатлар ўртача оғир тан жароҳатлар тоифасига кириши кўрсатилган.

РСТЭИАМНФ Поп туман бўлинмасининг 2023 йил 19 августдаги 1650/1611-сонли суд-тиббий экспертиза хулосасида, Э.Абдураймовнинг тан жароҳатлари - бош мия калла ёпиқ шикасти, бош мия чайқалиши, ўнг тирсак бўғимида шилинма кўринишида бўлиб, ушбу тан жароҳатлар енгил тан жароҳатлар тоифасига кириши кўрсатилган.

РСТЭИАМНФ Поп туман бўлинмасининг 2023 йил 21 августдаги 1644/1683-сонли суд-тиббий экспертиза хулосасида, М.Турсунбоевнинг тан жароҳатлари - ўнг болдир соҳасида қонталаш, шилинма кўринишида бўлиб, ушбу тан жароҳатлар енгил тан жароҳатлар тоифасига кириши кўрсатилган.



“SHERDOR EKSPERT” МЧЖнинг 2023 йил 23 августдаги №08/177-сонли баҳолаш ҳисоботида, содир этилган йўл-транспорт ҳодисаси натижасида, “Дамас” русумли, 50L955DA давлат рақам белгили автомашинага етказилган зарар 32 077 000 (ўттиз икки миллион етмиш етти минг) сўмни ташкил этганлиги кўрсатилган.

Судланувчи М.Бойбабоев судда, ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбига тўлиқ иқрорлиги, ҳақиқатан ҳам 2023 йил 11 август куни соат 18 ларда бошқарувидаги “Captive” русумли, 40S109ZA давлат рақам белгили автомашинасини “Ғурумсарой-Ҳонобод-Чодак-Ғулистон” автомобиль йўлининг 19-км.да “Чодак” қишлоғи йўналишида бошқариб кетаётиб, ўзи билан бир йўналишда олдинда ҳаракатланиб кетаётган М.Турсунбоев бошқарувидаги “Дамас” русумли, 50L955DA давлат рақам белгили автомашинасининг орқа қисмига урилгани, натижада ҳайдовчи М.Турсунбоев бошқарувидаги автомашина саломида бўлган Б.Ҳамиджонова ва Э.Абдураймов тан жароҳати олгани, ҳозирда жабрланувчиларнинг соғлиғи яхши экани, жабрланувчиларнинг унга нисбатан даъвоси йўқлигини, қилмишидан чин қўнгилдан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англаб етгани, ярашувга рози эканини билдириб, уни жиноий жавобгарликдан озод қилиб, жиноят ишини ярашув асосида тугатишни сўради.

Жабрланувчи М.Турсунбоев судда, ҳақиқатан ҳам 2023 йил 11 август куни соат 18 ларда бошқарувидаги “Дамас” русумли, 50L955DA давлат рақам белгили автомашинасини “Ғурумсарой-Ҳонобод-Чодак-Ғулистон” автомобиль йўлининг “Чодак” йўналишида бошқариб кетаётганида орқа қисмидан “Captive” русумли, 40S109ZA давлат рақам белгили автомашинаси келиб урилгани, натижада ўзи ва автомашинаси саломида бўлган Б.Ҳамиджонова ва Э.Абдураймов тан жароҳати олгани, автомашинасига ҳам техник шикаст етгани, ҳозирда унинг соғлиғи яхши эканлиги, автомашинасига етказилган зарар ҳам тўла қоплангани, ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, судланувчига нисбатан даъвоси йўқлиги, ярашув тўғрисидаги аризани ўз хоҳиши билан ёзгани, унга бирон-бир тазйиқ бўлмагани, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлигини билдириб, М.Бойбабоевга оид жиноят ишини ярашув асосида тугатишни сўради.



Жабрланувчи Б.Хамиджонова судда, ҳақиқатан ҳам 2023 йил 11 август куни соат 18 ларда М.Турсунбоев бошқарувидаги “Дамас” русумли, 50L955DA давлат рақам белгили автомашинасида “Фурумсарой-Ҳонобод-Чодак-Гулистон” автомобиль йўлида улар келаётган автомашинанинг орқа қисмидан “Captive” русумли автомашина келиб урилгани, натижада тан жароҳати олгани, ҳозирда унинг соғлиғи яхши эканлиги, ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, судланувчига нисбатан даъвоси йўқлиги, ярашув тўғрисидаги аризани ўз хоҳиши билан ёзгани, унга бирон-бир тазйиқ бўлмагани, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлигини билдириб, М.Бойбабоевга оид жиноят ишини ярашув асосида тугатишни сўради.

Жабрланувчи Э.Абдураймов судда, ҳақиқатан ҳам 2023 йил 11 август куни соат 18 ларда М.Турсунбоев бошқарувидаги “Дамас” русумли автомашинасида кетаётган вақтларида улар келаётган автомашинанинг орқа қисмидан “Captive” русумли автомашина келиб урилгани, натижада тан жароҳати олгани, ҳозирда унинг соғлиғи яхши эканлиги, ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, судланувчига нисбатан даъвоси йўқлиги, ярашув тўғрисидаги аризани ўз хоҳиши билан ёзгани, унга бирон-бир тазйиқ бўлмагани, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлигини билдириб, М.Бойбабоевга оид жиноят ишини ярашув асосида тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66<sup>1</sup>-моддасида, шу кодекс 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар ўз айбига тўлиқ иқрор бўлиб, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкинлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2012 йил 25 октябрдаги “Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида”ги 27-сонли қарорининг 3-бандида, қонунда ярашув тўғрисидаги ариза суриштирув ва дастлабки терговнинг исталган босқичида, судда эса жиноят ишини кўриб чиқаётган биринчи инстанция суди маслаҳатхона (алоҳида хона)га киргунга қадар берилиши мумкин деб кўрсатилган.



Суд, юқоридаги раҳбарий тушунтиришларга риоя этиб, жабрланувчилар М.Турсунбоев, Б.Хамиджонова, Э.Абдураймов ва судланувчи М.Бойбобоев билан ўзаро ярашиб олганликлари ҳақидаги баёноتلарини тинглаб, бу ҳақидаги аризаларини инобатга олиб, жабрланувчилар М.Турсунбоев, Б.Хамиджонова, Э.Абдураймовга Ўзбекистон Республикаси ЖПК 583-моддасининг 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқланганидан сўнг у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтирган ҳолда М.Бойбобоевга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисми билан юритилган жиноят ишини Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66<sup>1</sup>-моддасига асосан уни жинойий жавобгарликдан озод этиб, ярашув асосида тугатишни, жиноят оқибатида етказилган моддий зарар тўла қопланганлиги сабабли мазкур масалани инобатга олишни, шунингдек, жиноят ишига қўшилган бир дона “DVD” дискни жиноят иши билан бирга сақлашни лозим топади.

Суд, юқоридагиларга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66<sup>1</sup>-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 84,423,582-583,585-586-моддаларига асосан

#### А Ж Р И М Қ И Л А Д И

Бойбобоев Муҳридин Раҳимжоновичга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 266-моддасининг 1-қисми билан юритилган жиноят иши ярашув тартибида тугатилсин.

М.Бойбобоевга нисбатан қўлланилган муносиб ҳулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси ажрим қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Жиноят оқибатида етказилган моддий зарар тўла қопланганлиги инобатга олинсин.

Жиноят ишига қўшилган бир дона “DVD” диск жиноят иши билан бирга сақлансин.

Ажримдан норози тарафлар йигирма кун ичида шу суд орқали Наманган вилоят судига апелляция тартибида хусусий шикоят ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи:

Ж.Курбанов



## Маъсул судья: Курбанов Жасурбек Исламович



Ҳужжат имзоланган: Курбанов Жасурбек Исламович, 03.11.2023

